

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

МАХСУС МУАССАСАЛАР
ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Ўқув-амалий қўлланма

Тошкент – 2021

УЎК 343.81(076)(575.1)

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти
Илмий кенгашида маъқулланган*

Муаллифлар:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси бўлим бошлиғи,
подполковник **Ж.Х. Самандаров**;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш кафедраси бошлиғи,
полковник **У.Э. Расулов**;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш кафедраси катта ўқитувчиси, подполковник **Б.Х. Тўйчиев**

Тақризчилар:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси бошлиғи, полковник ю.ф.н., доцент **А.Ш. Умарханов**;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш кафедраси профессори, ю.ф.д., доцент **И.Т. Тультеев**

М 36 Махсус муассасалар фаолиятини ташкил этиш:Ўқув-амалий қўлланма / Ж.Х. Самандаров, У.Э.Расулов, Б.Х.Тўйчиев. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, 2021. – 46 бет.

Ўқув-амалий қўлланмада махсус муассасалар фаолиятини ташкил этиш бўйича масъул раҳбарлар ҳамда шахсий таркибнинг ҳукуқ ва мажбуриятларини, сақланувчи шахсларни ҳисобга олиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳужжатларини юритиш ҳамда ушбу муассасаларда назорат ва текширувнинг техник воситаларидан фойдаланиш тартиби ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти тингловчилари, тадқиқотчи-изланувчилар, шунингдек, ички ишлар органларининг амалиётчи ходимлари учун мўлжалланган.

УЎК 343.81(076)(575.1)

КИРИШ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик жараёнларнинг сифати ва натижадорлигини тубдан ошириш ҳамда инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини, шу жумладан одамлар ҳаётининг муносиб даражасини таъминлаш ҳамда уларнинг амалга оширилиши учун давлат органларининг роли ва масъулиятини кучайтириш, аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш ва уларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг янги самарали механизмлари ва усулларини жорий этиш, фуқароларни безовта қилаётган ҳаётий муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, «Инсон манфаатлари ҳар нарсадан улуг» деган эзгу ғояни ҳаётга изчил жорий этиш мақсадида барча жабхаларда, соҳаларда жадал ижобий ўзгаришлар амалга оширилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли фармони ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштиришга асос бўлди десак, муболаға бўлмайди.

Мамлакатда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш республика, ўрта ва қуий бўлинмалари фаолиятини ташкил этишнинг асосий вазифа ва функцияларнинг аниқ белгиланиши ва тақсимланишини ҳамда ҳар бир ходимнинг ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун шахсий жавобгарлигини назарда тутувчи сифат жиҳатидан мутлақо янги тартибини ўрнатиш, шунингдек, фаолиятда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, маъмурий қамоқقا олинган шахсларни сақлаш учун маҳсус қабулхоналар, вақтинча сақлаш хибсхоналари ва муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг худудий бўлинмаларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисобланди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган вазифаларни амалга ошириш ҳамда махсус муассасалар фаолиятини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2018 йил 31 январь куни «Махсус муассасалар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 28-сон буйруғи имзоланди.

Мазкур буйруқقا асосан ички ишлар органлари, жумладан бевосита махсус муассасалар ҳамда уларнинг ходимлари зиммасига бажарилиши лозим бўлган вазифалар юкланди. Шунингдек, махсус муассасаларнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари кўрсатиб ўтилди.

Ушбу ўқув-амалий қўлланмада «махсус муассасалар», «махсус муассасалар ходимлари», «маъмурий қамоқقا олинган шахс», «муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахс», «конвой», «конвой қилинувчи» деган терминларга таърифлар берилиб, бу йўналишда ички ишлар органларининг асосий вазифалари, функциялари белгилаб берилган.

Кўлланмани тайёрлашда ички ишлар органлари бошқарув тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда мазкур соҳадаги ишларни такомиллаштиришга оид янги қонунлар ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлардан, хусусан Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси, суд-хуқуқ тизими, шу жумладан ички ишлар органларини тубдан ислоҳ қилишга оид норматив-хуқуқий ҳужжатлардан, ижтимоий бошқарувга оид янги илмий ва ўқув адабиётларидан фойдаланилди.

Кўлланма ИИВ Малака ошириш институти тингловчилари, ИИВ Академиясида таълим олаётган тингловчи ва курсантларига ҳамда ички ишлар органлари тизимида хизмат қилаётган амалиёт ходимларига, шунингдек, ушбу соҳада илмий-тадқиқот олиб бораётган тадқиқотчиларга мўлжалланган.

1-§. МАХСУС МУАССАСАЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги ва «Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида»ги қонунлари ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2018 йил 31 январдаги «Махсус муассасалар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш хақида»ги 28-сон буйруғи имзоланган. Ушбу буйруқ билан Махсус муассасалар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Йўриқнома тасдиқланди.

Мазкур Йўриқнома махсус муассасалар фаолиятини ташкил этиш бўйича масъул раҳбарлар ҳамда шахсий таркибнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, сақланувчи шахсларни ҳисобга олиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳужжатларини юритиш ҳамда ушбу муассасаларда назорат ва текширувнинг техник воситаларидан фойдаланиш тартибларини белгилайди.

Махсус муассасалар маъмурияти ва ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармалари (бундан буён матнда ИИВ-ИИББ-ИИБ деб юритилади) бошлиqlари томонидан амалга оширилади.

Махсус муассасалар маъмурияти лавозимларига ички ишлар органларида камида 10 йил хизмат қилган, олий маълумотли, ташкилотчилик ва ташаббускорлик хусусиятларига эга, жисмонан соғлом ҳамда маънавий жиҳатдан етук ходимлар тайинланади.

Махсус муассасалар ходимлари лавозимларига ички ишлар органларида камида 3 йил хизмат қилган, жисмонан соғлом ҳамда маънавий жиҳатдан етук ходимлар тайинланади.

Махсус муассасалар ходимларининг сони амалдаги намунавий штат бирлигига мувофиқ белгиланади.

Махсус муассасаларга лавозимга янги тайинланган ходимлар учун алоҳида дастур асосида ИИВ-ИИББ-ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси (бундан буён матнда ППХ ва ЖТСБ деб юритилади) аппаратларида ўттиз кун давомида ўқитишига мўлжалланган ўқув машғулотлари ташкил этилади ва уларга тажрибали ходимлар мураббий этиб бириктирилади.

Махсус муассасалар ходимларида фаолиятларини амалга ошириши вақтида қүйидагилар бўлиши шарт:

- хизмат гувоҳномаси;
- шахсий рақамли махсус жетон;
- резина таёқ;
- қўл кишани;
- алоқа воситаси (*рация*);
- хуштак;
- фонарь;
- конвой ходимлари учун табель қуроли ва ўқлари билан иккита ўқдон.

Махсус муассасалар ходимлари хизмат зарурати туфайли бошқа махсус ва техник воситаларни амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб юришлари ва улардан фойдаланишлари мумкин.

Махсус муассасалар ходимлари хизмат фаолиятини ички ишлар органлари ходимлари учун белгиланган формали кийим бошда олиб борадилар, иш шароитини инобатга олган ҳолда махсус муассасалар ходимларига камуфляжда юришга рухсат этилади, алоҳида ҳолларда (*тезкор-қидирув ёки махсус тадбирлар ташкил этиши ва ўтказиши даврида*) ИИВ-ИИБ-ИИБ раҳбариятининг кўрсатмаси асосида хизмат фуқаролик кийимида олиб борилиши мумкин. Махсус муассасаларнинг тезкор ишлар бўйича ходимлари фуқаролик кийимида хизмат олиб боради, ички ишлар органлари фаолияти билан боғлиқ йиғилишларда ва бошқа сабабларга кўра маъзул раҳбарларнинг кўрсатмаси асосида ички ишлар органлари ходимлари учун белгиланган махсус хизмат кийимида бўлади.

Махсус муассасалар ходимларини хизмат вазифалари билан боғлиқ бўлмаган ишлар (*назорат ўтказиши жойлари, блок-постлар, чегара ва ЙПХ масканлари ҳамда бошқа тадбирлар*)га жалб этиш тақиқланади.

Иш юритиши ва махфийлик режими бўйича тадбирлар махсус муассасалар томонидан мустақил равишда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

Махсус муассасаларни қурол-аслаҳа, махсус техника ва бошқа моддий-техник воситалари ҳамда мулк билан таъминлаш ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

2-§. МАХСУС МУАССАСАЛАР ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Махсус муассасалар маъмурияти ва ходимлари тегишли қонулар билан белгиланган ҳуқуқларга эга ҳамда мажбуриятларни бажаради.

Махсус муассасалар фаолиятини бошқариши ва назорат қилиши борасида Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИББ ҳамда вилоятлар ИИБлари бошлиқлари:

- ўз тасарруфларида бўлган махсус муассасалар фаолияти устидан умумий назоратни амалга оширади;
- махсус муассасалар биноларининг белгиланган меъёрлар талаблари асосида қурилиши ва таъмирланишини таъминлайди;
- махсус муассасаларда сақланувчи шахслар билан боғлик бўлган фавқулодда ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган чоратадбирларни амалга ошириш, сақланувчи шахслар учун зарур шартшароитларни яратиш, махсус муассасаларнинг техник мустаҳкамлигини яхшилаш, шунингдек хизмат олиб бораётган ходимларни моддий-техника воситалар билан таъминлаб бориш масалаларини ҳал этади;
- махсус муассасалар ходимларининг иш самарадорлигини ошириш мақсадида жамоат тартибини сақлаш, тиббиёт, жиноят қидирув, тергов ва бошқа хизматлар ўртасида ҳамкорликни йўлга кўяди;
- кадрларнинг танланиши ва жой-жойига мақсадли қўйилишини, ходимларга нисбатан ўз вақтида ва холислик билан рағбатлантириш ҳамда интизомий жазо чоралари қўрилишини ҳал этади;
- махсус муассасалар ходимлари фаолиятининг очиқ ва хуфиёна текширилишини назорат қиласи ва ҳар чоракда камида бир маротаба ўтказилган текширувлар натижаларини ўз ҳузуридаги тезкор йиғилишларда муҳокама этиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгилайди.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИББ ҳамда вилоятлар ИИБлари бошлиқларининг хизмат бўйича ўринbosарлари:

- махсус муассасаларда сақланувчи шахсларнинг қонун ва тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида сақланиши,

сақлаш муддатларига қатый риоя этилиши ҳамда уларнинг ҳуқуқлари поймол этилмаслиги устидан доимий назорат ўрнатади;

– маҳсус муассасаларга ажратилган куч ва воситаларнинг тўғри тақсимланиши ҳамда улардан унумли фойдаланишини назорат қиласди;

– маҳсус муассасалар фаолиятини шахсан ўзи ва таалукли хизматлар ёрдамида текшириб боради, ходимларнинг иш натижалари таҳлил этиб борилишини назорат қиласди;

– жойлардаги тезкор вазият таҳлили асосида маҳсус муассасалар ходимларининг хизматини кучайтирилган тартибда олиб борилишини ташкиллаштиради;

– маҳсус муассасалар ходимлари фаолиятининг очиқ ва хуфиёна текширилишини таъминлайди ҳамда ўтказилган текширувлар натижаларини ҳар ойда бир маротаба ўз ҳузуридаги тезкор йиғилишларда муҳокама этиб, йўл қўйилган камчиликларнинг бартараф этилишини назорат қиласди.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИББ ҳамда вилоятлар ИИБлари бошлиқларининг кадрлар бўйича ўринbosарлари:

– ўз хизмат вазифаларини вижданан бажараётган ходимларнинг хизматда кўтарилишини таъминловчи кадрлар захирасини шакллантиради;

– ходимларни ўқитиш ва улардан тўлақонли фойдаланиш, шахсий таркиб билан самарали тарбиявий ишни олиб бориш ва хизмат ўташни назорат қилишни ташкил этади;

– ходимларни хизмат интизоми ва қонунчиликка риоя этишларини ташкил этиш мақсадида кунлик назоратни йўлга қўяди;

– ходимларга амалга ошираётган фаолиятида натижага ҳамда юклатилган вазифаларни самарали бажаришга интилишни сингдириш, уларда амалий иш кўникмаларини шакллантириш ва хизмат бурчига садоқат билан муносабатда бўлишини тарбиялаш бўйича ишларни ташкил этади.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИББ ҳамда вилоятлар ИИБлари Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаши бошқармалари бошлиқлари:

– маҳсус муассасалар фаолиятига бевосита раҳбарлик қиласди;

– маҳсус муассасаларда сақланувчи шахслар билан боғлиқ фавқулодда ҳолатлар содир этилишининг олдини олишга қаратилган аниқ чора-тадбирларни белгилаган ҳолда ижросини назорат қиласди;

– маҳсус муассасалар биноларини замон талабларига мос равишида қуриш, қайта қуриш ва капитал таъмирлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, бинолар ва маҳсус автотранспорт воситаларини зарур асбоб-ускуналар ва маҳсус техник воситалар, қўриқлаш ва алоқа воситалари билан жиҳозлаш юзасидан ИИВ-ИИБ-ИИБ раҳбариятига таклифлар киритади;

– маҳсус муассасаларда сақланувчи шахслар билан боғлиқ муаммоларнинг ечимини топишда маҳаллий давлат ҳокимияти, соғлиқни сақлаш, суд ва тергов органлари, тергов хибсоналари ҳамда жазони ижро этиш муассасалари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатиш масалаларини ҳал этади;

– маҳсус муассасалар ходимлари фаолиятининг очик ва хуфиёна текширилишини ташкиллаштиради, текширувлар давомида аниқланган камчиликларнинг ўз вақтида бартараф этилишини назорат қиласди;

– ходимлар фаолияти устидан ўтказилган очик ва хуфиёна текширувларда аниқланган камчиликлар юзасидан ўрнатилган тартибда хизмат текширувлари ўтказилиши ҳамда муносиб баҳо берилишини ташкил этади;

– хизматга жалб этилган нарядларнинг тўғри тақсимланиши, улар томонидан белгиланган вазифа ва топшириклар сидқидилдан бажарилиши, қонунчилик ва хизмат интизомига қатъий риоя қилиниши устидан назорат олиб боради;

– маҳсус муассасалар ходимларининг хизмат фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этилмаслиги устидан назоратни амалга оширади.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИБ ҳамда вилоятлар ИИБлари Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармалари Маҳсус муассасалар фаолияти устидан назорат бўлинмаси (гуруҳи) катта инспекторлари:

– маҳсус муассасалар фаолияти устидан кундалик назорат ўрнатган ҳолда сақланувчи шахсларнинг амалдаги қонун ҳужжатлари асосида ушлаб турилиши, сақлаш муддатларига риоя этилиши ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

– маҳсус муассасалар ходимларини ўқитишнинг тартиб ва услубини такомиллаштириб бориш, уларни тарбиялаш ва хизмат жараёнида алоҳида ўrnak кўрсатган ходимларни рағбатлантириш,

хизмат интизоми ва қонунчиликни бузган ходимларни муҳокама қилиш ва тегишли тартибда тарбиявий ишларни олиб бориш юзасидан ИИВ-ИИБ-ИИБ раҳбариятига таклифлар киритади;

– маҳсус муассасалар ходимлари билан хизмат олди йўриқномаларининг масъул раҳбарлар томонидан сифатли ўтказилишини ташкил этади ва ходимларининг бошқа хизматга жалб этилмаслигини назорат қиласди;

– маҳсус муассасаларда сақланувчи шахслар билан боғлиқ фавқулодда ҳолатлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида суд биноларининг, шунингдек тиббиёт бирлашмаларидағи ушлаб турилган ва қамоққа олинган шахсларни вақтинча ушлаб туриш учун мўлжалланган маҳсус палаталарнинг техник мустаҳкамлигини ўрганиб, аниқланган камчиликлар юзасидан тегишли органларга ўрнатилган тартибда тақдимномалар юборади ва камчиликларнинг бартараф этилишини назорат қиласди;

– маҳсус муассасалар фаолияти билан боғлиқ кўрсатма ҳамда топшириқларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлайди;

– маҳсус муассасалар маъмурияти ва ходимлари томонидан амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилиб боради ва ҳар ой якунида умумлаштирган ҳолда ИИВ-ИИБ-ИИБ раҳбариятига, шунингдек вазирлик ППХважТСБГа ўрнатилган тартибда ҳисобот бериб борилиши учун жавобгар ҳисобланади.

Туман (шаҳар) ИИБлари тасарруфидаги вақтинча саклаш ҳибс-хоналарининг (бундан буён матнда ВСҲ деб юритилади) фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш юқорида белгиланган тартибда бевосита туман (шаҳар) ИИБлари кесимида амалга оширилади.

Маҳсус муассасалар маъмуриятининг асосий вазифалари қўидагилардан иборат:

а) маҳсус муассасалар ходимларининг хизмат вазифаларини белгилайди ҳамда уларни қонунчилик ва хизмат интизомига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялади;

б) қўл остидаги ҳар бир ходимнинг хизмат фаолияти билан боғлиқ сифатларини ўрганиб борган ҳолда хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлигини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилайди ҳамда ходимларнинг доимий равища хизматга шай ҳолатда бўлишларини таъминлайди;

в) маҳсус муассасалар ходимларини хизматга тайёрлади, уларнинг қурол-аслаҳалари ҳамда хизмат фаолиятида ишлатиш учун

мавжуд бўлган бошқа техник воситаларининг техник созлигини назорат қиласди;

г) ходимлар устидан кунлик назорат ўрнатади, уларнинг хизмат фаолиятини мунтазам текшириб боради ва аниқланган камчиликларни жойида бартараф этиш чораларини кўради;

д) маҳсус автотранспорт воситаларни кунлик хизматга чиқишидан олдин кўздан кечириб, хизматга яроқли ҳолатда эканлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг конвой тадбирларини амалга ошириш учун жалб этилишига жавобгар ҳисобланади;

е) конвой тадбирлари амалга ошириладиган йўналишлар чизмаларини ишлаб чиқади, бунда асосий ва захира йўналишларда фавқулодда ҳолатлар келтириб чиқарувчи бино ва иншоотлар мавжуд эмаслигига эътибор қаратади;

ж) ушлаб турилган ва қамоққа олинган шахсларни қабул қилидиган, суд ва тергов ҳаракатлари амалга ошириладиган жойларни кўздан кечиради ҳамда хавфсизлик чораларини кўради;

з) суд ва тергов органларидан келиб тушган талабномалар асосида конвой тадбирларини амалга ошириш учун етарлича куч ва воситаларини жалб этади, ушлаб турилган ва қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш, шахсий кўриқдан ўтказиш, маҳсус автотранспорт воситасининг камераларига жойлаштириш ишлари учун ажратилган конвой бўлинмалари ҳамда маҳсус муассасаларда сакланувчи шахсларни қўриқлашга жалб этилган ходимларининг тақсимотини ҳамда хизмат олиб бориши тартибини белгилайди;

и) маҳсус муассасаларда сакланувчи, шунингдек конвой қилинётган шахсларнинг қўриқланишини сусайтирган ҳолда ходимларга навбатма-навбат дам берилишини ташкиллаштиради;

к) ходимларнинг дам олиш ва меҳнат таътиллари жадвалларини юритади, ҳар бир ходимнинг иш кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда, рағбатлантириш ва навбатдаги маҳсус унвон бериш, шунингдек хизмат самарадорлигини ошириш ва фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан бевосита раҳбарига таклиф киритади;

л) фавқулодда ҳолатлар содир бўлганда ходимлар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни белгилайди;

м) хизматга тааллуқли кўрсатма ва топшириқларнинг белгиланган муддатларда сифатли бажарилишини таъминлайди, хужжатларнинг юритилиши ва тўлиқ сакланиши учун шахсан жавоб беради;

н) амалга оширилган ишларнинг таҳлилини олиб бориб, ҳар ой якунида умумлаштирган ҳолда ИИВ-ИИББ-ИИБ ППХважтсбга ҳисобот бериб боради.

Махсус муассасалар маъмурияти ва ходимларининг фаолиятини текшириши ИИВ-ИИББ-ИИБларнинг раҳбарлари томонидан қуийидаги тартибда амалга оширилади:

а) ИИВ-ИИББ-ИИБ ППХважтсб бошлиқлари ва уларнинг ўринbosарлари томонидан ҳар чоракда камида бир маротаба;

б) ИИВ-ИИББ-ИИБ ППХ ва ЖТСБ махсус муассасалар фаолияти устидан назорат бўлинмаси (гурухи) катта инспекторлари томонидан бир ойда камида бир маротаба;

в) вақтинча сақлаш ҳибсхоналари фаолияти устидан туман (шахар) ИИБ бошлиқлари ва уларнинг ўринbosарлари томонидан ўн кунда камида бир маротаба;

г) туман (шахар) ИИБ жамоат тартибини сақлаш бўлинмаси (гурухи) катта инспекторлари томонидан ўн кунда камида икки маротаба ошкора ёки хуфиёна текширувлар ташкил этилади.

Ходимлар хизматини ташкил этиши ҳамда фаолиятини текширишида қуийидагиларга:

махсус муассасалар шахсий таркибини хизматга жалб этиш тақсимоти ва унинг тўғрилиги;

шахсий таркибнинг белгиланган тартибда экипировкалар билан таъминланганлиги;

шахсий таркибнинг хизмат вазифаларини билиши;

қонунчилик ва хизмат интизомига риоя этилиши;

хизмат ҳужжатларини юритиш тартиби;

шахсий таркиб хизматни хушёр тарзда ўтаётганлиги ва ташки кўриниши;

махсус муассасаларда сақланувчи шахсларнинг қўриқланиш аҳволи, уларни алоҳида-алоҳида сақлаш қоидаларига риоя этилаётганлиги;

сақланувчи шахсларнинг асосли сақланаётганлиги, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари поймол этилмаётганлиги;

махсус муассасалар биноларининг техник мустаҳкамлиги, алоқа воситаларининг созлиги;

махсус муассасалар ва унинг атроф-худуди санитария ҳолатига алоҳида эътибор қаратилади.

Текширувчининг талаби билан пост ходими ўз назорати остида бўлганларни қаровсиз қолдирмаган ҳолда унга вазият ҳақида ахборот

беради ва текширувчини қизиқтирган саволларга тўлиқ ва аниқ жавоб беради.

Хизмат жойида пост ходими йўқлиги аниқланганда текширувчи дарҳол навбатчига хабар беради, бундай ҳолатнинг сабабини аниқлайди ва зудлик билан сақланувчи шахсларнинг қўриқланишини таъминлаш чораларини кўради.

Сақланувчи шахсларнинг қўриқланишини текшираётган шахс нарядларнинг хизмат фаолиятини ҳар томонлама ва холисона баҳолаши, юзага келаётган вазиятни ўрганиши, наряд ходимларига зарур ёрдамларни кўрсатиши лозим.

Текширув ишларини амалга оширишда хизмат қуролини олиб қўйиш, ушлаб турилганлар ва қамоқقا олинганларнинг қочиш имкониятини сохтакорлик билан саҳналаштириш ёки фавқулодда ҳодисалар келтириб чиқариши мумкин бўлган бошқа усуллардан фойдаланиш тақиқланади.

Текширувчи томонидан камчиликлар аниқланганда, ушбу камчиликларни жойида бартараф этиш учун тегишли кўрсатмалар берилади. Агар қонунчилик бузилиши ҳолатлари аниқланса, бундай ҳолатларга йўл қўйган ходимлар зудлик билан бошқа захирадаги ходимлар билан алмаштирилиб, тегишли чоралар белгиланади.

Ўтказилган очик текширув натижалари юзасидан наряднинг хизмат китоби ва маҳсус муассасаларда юритилган текширувларни қайд этиш китобида белгиланган тартибда ёзув қолдирилади.

Маҳсус муассасалар фаолиятини хуфиёна текшириш ИИВ-ИИБ-ИИБ ППХважтсб бошлиғи (туман (шаҳар) ИИБларида мазкур ИИБ бошлиғи) томонидан тасдиқланган жадвал асосида, масъул ходимлар томонидан фуқаролик кийимида, ўзига эътиборни жалб қилмаган ҳолда хизмат ҳудуди яққол қўриниб турадиган пана жойдан туриб, ходимларнинг фаолиятини қузатиш йўли билан амалга оширилади. Бундай кузатувлар аниқланган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш ёки тез ёрдам кўрсатиши зарурати туғилганда тутатилади. Ошкора ва хуфиёна текширувлар вақтида видео-камера, диктофон, фотоаппарат ва бошқа видео ҳамда ёзиб олиш мосламаларидан фойдаланилиши ҳам мумкин.

Ўтказилган хуфиёна текширув якунида аниқланган камчиликлар ва уларни бартараф этиш чоралари тўғрисида маҳсус муассаса маъмуриятига ахборот берилади. Хуфиёна текширув натижалари юзасидан ИИВ-ИИБ-ИИБ раҳбарияти номига алоҳида маълумотнома тайёрланади.

Маълумотномада хуфиёна текширув қачон ва қаерда, ким томонидан ўтказилганлиги, кимларнинг хизмат фаолияти текширилганлиги, текширув жараёнида ходимлар қандай камчиликларга йўл қўйганлиги, уларнинг олдини олиш бўйича қандай чора-тадбирлар белгилаш лозимлиги қўрсатилади.

Ўтказилган ошкора ва хуфиёна текширувларнинг ҳолати, сифати ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича олиб борилган ишлар ҳар чоракда камида бир маротаба ИИВ-ИИББ-ИИБ бошлиғи ҳузурида ўтказиладиган йиғилишларда кенг муҳокама қилиниб, камчиликка йўл қўйган ходим ва унинг бевосита раҳбарига нисбатан тегишли таъсир чоралари кўрилиши тўғрисида қарорлар қабул қилинади.

3-§. МАХСУС МУАССАСАЛАР ХОДИМЛАРИНИНГ ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Махсус муассасаларда сақланувчи шахсларнинг қўриқланиши навбатчи, унинг ёрдамчиси, ички ва ташқи пост ходимлардан иборат наряд томонидан амалга оширилади.

Ички постлар бевосита сақланувчи шахслар жойлашган хоналар (камералар) олдида ва сайр қилиш ҳовлисида, ташқи постлар эса махсус муассасаларнинг ташқи томонидан қўриқлаш мақсадида ташкил этилади.

Ички постдаги ходимлар хизматни қуролсиз олиб боради. Вақтинча сақлаш ҳибсхоналарининг ташқи постларидағи ходимлари тўппонча ёки автомат билан қуроллантирилади.

Махсус муассасаларга олиб келинган шахсларни тиббий қўрик ва санитария ишловидан ўтказиш ҳамда уларга амбулатор тиббий хизмат қўрсатиш махсус муассасаларнинг тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилади. Тиббиёт ходими штат бирлиги бўлмаган махсус муассасаларда унинг хизмат вазифалари махсус муассасалар навбатчисига юклатилади.

Махсус муассасаларда сақланувчи шахсларга амбулатор тиббий хизмат қўрсатиш учун етарли миқдорда дори-дармонлар ва тиббиёт жиҳозларини ажратиш ҳамда турли хил касалликлар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида ушбу муассасаларда белгиланган тартибда дезинфекция тадбирларини ўтказиш ва санитария ҳолатини назорат қилиш ИИВ-ИИББ-ИИБларнинг Тиббиёт бўлимлари томонидан амалга оширилади.

Махсус муассасаларда сақланувчи шахслар билан конвой тадбирлари ички ишлар органларининг конвой бўлинмалари томонидан амалга оширилади. Конвой тадбирларига жалб этилган ходимлар тўппонча билан қуроллантирилади.

Ички ишлар органлари тасарруфида конвой бўлинмаси мавжуд бўлмаган ёки конвой ходимлари штат бирлиги кам бўлган жойларда ички ишлар органи бошлигининг фармойиши билан ички ишлар органлари сафида камида уч йил хизмат қилган, бошқа соҳавий хизмат ходимларидан иборат захира конвой гуруҳи ташкил этилади.

Захира конвой гуруҳи ходимлари билан конвой фаолиятига оид ўқув машғулотлари ўтказилиб, синов қабул қилингандан сўнг конвой тадбирларига жалб этилади.

Махсус муассасалар ходимлари кунлик хизматга хизмат олди йўриқномаси бошланишидан ўн беш дақиқа олдин келиб, махсус муассасалар навбатчисига учрашади.

Махсус муассасалар навбатчиси ходимнинг руҳий ҳолатини, ташқи кўринишини ҳамда экипировкалар билан таъминланганлигини ўрганиб чиқади. Ўрганиш давомида ходимларнинг хизматга тайёргарлиги юзасидан аниқланган камчиликлар бўйича махсус муассаса маъмуриятига ахборот беради ва унинг кўрсатмаси асосида хизматни ташкил этади.

Махсус муассасалар маъмуриятининг кўрсатмасига асосан навбатчи томонидан хизматга келган ходимларга хизмат қурули ва ўқдорилар, берилиши лозим бўлган бошқа махсус воситалар ва тегишли ҳужжатлар тарқатилади, ҳар бир ходим қайси постда ёки йўналишда хизмат олиб бориши эълон қилинади.

Ходимлар экипировкалар билан тўлиқ таъминлангандан сўнг, навбатчи ходимларни хизмат олди йўриқномасига сафлайди.

Кунлик хизматга жалб этилаётган ходимлар билан махсус муассасалар маъмурияти ҳамда ички ишлар органларининг масъул раҳбарлари томонидан хизмат олди йўриқномаси ўтказилади ва уни ўтказишнинг давомийлиги ўттиз дақиқадан ошмаслиги лозим.

Хизмат олди йўриқномасини ўтказувчи масъул шахс томонидан қўйидагилар амалга оширилиши шарт:

– сақланувчи шахсларни қўриқлаш ва конвой тадбирларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган вазифаларни бажариш усули ва мазмуни, хизмат олиб бориш шароити, ҳар бир постнинг хизмат олиб бориш тартиби, хизмат йўналишлари, унинг хусусияти, сақланувчи шахслар хақидаги тўлиқ маълумотлар, нарядлар ўртасида алоқа ўрнатиш тартиблари билан ходимларни таништиради;

– нарядни топшираётган ходимларнинг иш натижаларини таҳлил қиласи ва баҳо беради, улар томонидан амалга оширилган иш натижаларини эълон қиласи, бунда йўл қўйилган камчиликларни кўрсатиб, камчиликларга йўл қўймаслик бўйича нарядни қабул қилаётган ходимларга тегишли тавсиялар беради;

– наряднинг хизматга тайёргарлигини, экипировкасини, билим савияларини, хавфсизлик чораларини қўриш усувлари ҳамда фавқулодда ҳолатлар содир бўлганда хизмат олиб бориш тартиблари юзасидан билимларини текшириб чиқади ва ҳар бир ходимга хизматга йўналтирувчи топшириқлар беради;

– сақланувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини эслатади, шунингдек хизмат фаолияти жараёнида қонунчилик ва хизмат интизомига қатъий риоя қилиниши юзасидан кўрсатмалар беради.

Ходимларни хизмат олиб боришга тайёрлаш ишлари самарадор-лигини ошириш мақсадида хизмат олди йўриқномалар ходимларнинг хизмат олиб бориш жойларида, яъни бевосита пост ва йўналишларда, суд мажлислари ўтказиладиган биноларда ва бошқа вақтинча ушлаб туриш жойларида ўтказилиши мумкин.

Хизмат олди йўриқномасидан сўнг, постларга хизматга жалб этилган ходимлар белгиланган тартибда хизмат жойига бориб, постга тегишли барча анжомлар, алоқа воситалари ва пост ҳужжатларини текшириб чиқиб, постни топшираётган ходимлардан пост ва унинг атрофидаги жамоат тартибини сақлаш, хавфсизликни таъминлашга оид барча маълумотларни, вазиятнинг ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин бўлган ҳолатлар тўғрисида ахборот олади.

Постни топширувчи ва уни қабул қилувчи наряд томонидан маҳсус муассасаларда сақланувчи шахслар текширувдан ўтказилади. Текширув ишлари хоналар (камералар)ни кўриб чиқиши, сақланувчи шахсларни рўйхат бўйича йўқлама қилиш, улар билан шахсий кўрикни амалга ошириш, сақланувчи шахслардан ариза, шикоят ҳамда таклифларини сўрашдан иборат бўлади.

Бундан ташқари, наряд томонидан постни қабул қилиш вақтида маҳсус муассасаларда сақланувчи шахсларнинг руҳий ҳолатига, яъни қочиши, ўз жонига ёки бошқаларнинг ҳаётига суиқасд, нарядларга ҳужум қилиш ва бошқа фавқулодда ҳолат содир этиш фикрида юрган шахслар мавжуд эмаслигига алоҳида эътибор қаратилади.

Постни қабул қилишга имкон бермайдиган камчиликлар аникланганда, ходим бу ҳақида бевосита раҳбарига ёки навбатчилик қисмига хабар беради ва улардан олинган кўрсатма асосида ҳаракат қиласи.

Постни топширувчи ва уни қабул қилувчи наряд томонидан навбатчиликни топшириш ва қабул қилиш китобига имзолар қўйилганидан сўнг, пост қабул қилинган ҳисобланади.

Постни қабул қилиб олган ходим томонидан постни очик қолдириш ёки ташлаб кетиш тақиқланади.

Маҳсус муассасалар йўналиши бўйича ўқув машғулотларини ўтамаган ва синов топширмаган ходимларни якка ҳолда хизмат олиб боришга тайинлаш тақиқланади.

Сақланувчи шахслар хоналари (камералар)нинг эшиги ички пост ходимлари томонидан маҳсус муассасалар навбатчилари иштирокида очилиши шарт. Навбатчи штат бирлиги мавжуд бўлмаган маҳсус муассасаларда хоналар (камералар) ҳамда режим бўлмасига кириш эшигининг қалити ҳудудий туман (шаҳар) ИИБ навбатчисида ёки туман (шаҳар) ИИБ бошлиғининг ички буйруғи билан тасдиқлаган жадвал асосида навбатчилик қиласидаги ходимда сақланади.

Сақланувчи шахслар (муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслардан ташқари) сайр қилиш, санитар ишлов бериш, маҳсус муассасаларни ободонлаштириш ва ҳожатга чиқариш вақтида хонадан (камерадан) чиқариш сабаблари тўғрисида огоҳлантирилади, қолган барча ҳолларда чиқариш мақсадлари айтилмайди, фақат уларга қандай кийиниши ва шахсий нарсаларини олиш ёки олмаслиги айтилади.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказларида сақланувчи шахсларнинг ушбу марказлар навбатчилари томонидан сменани топшириш-қабул қилиш ҳамда тунги вақтлардан ташқари пайтларда марказ ҳудудида сайр қилишлари чекланмайди.

Сақланувчи шахслар хоналарини (камералари) тозалаш, полларини ва идиш товоқларни ювиш ишлари сақланувчи шахслар томонидан маҳсус муассасалар навбатчилари назорати остида амалга оширилади. Маҳсус муассасаларда сақланувчи шахсларни ўз-ўзига хизмат қўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб қилиш тақиқланади.

Маъмурий қамоқقا олинган шахсларни ҳақ тўланадиган меҳнатга олиб чиқиш маъмурий қамоқقا олинган шахсларни саклаш учун мўлжалланган маҳсус қабулхоналарнинг (бундан буён матнда маҳсус қабулхона деб юритилади) масъул ходимлари томонидан амалга оширилади.

Маҳсус қабулхона маъмурияти томонидан кунлик ҳақ тўланадиган меҳнатга жалб этилиши лозим бўлган шахслар сони эълон қилингандан сўнг, маҳсус қабулхона навбатчиси маъмурий қамоқقا олинган шахслар орасидан меҳнатга чиқиш истагини билдирган шахсларни маҳсус қабулхона саф майдонига сафлайди.

Ҳақ тўланадиган меҳнатнинг оғирлик даражаси ҳамда хусусиятларига қараб, маъмурий қамоқقا олинган шахслар сараланади.

Ҳақ тўланадиган меҳнатга жалб этилган маъмурий қамоқقا олинган шахслар томонидан маъмурий қамоқдан қочиши ҳолатлари-

нинг олдини олиши мақсадида уларни кузатиб бориши учун қуийдаги таркибда алоҳида наряд ажратиласди:

- 1 нафар шахсга 1 нафар ходим;
- 2-3 нафар шахсга 2 нафар ходим;
- 4-5 нафар шахсга 3 нафар ходим;
- 6-7 нафар шахсга 4 нафар ходим;
- 8-10 нафар шахсга 5 нафар ходим ва ундан ортиқ ҳар 5 нафар шахсга 1 нафардан ходим қўшилиб боради.

Маъмурий қамоқقا олинган шахслар очиқ майдонларда ёки қочиши имконияти мавжуд бўлган шароитларда ҳақ тўланадиган меҳнатга жалб этилган тақдирда маҳсус қабулхона маъмурияти томонидан наряд сони кўпайтирилади.

4-§. МАХСУС МУАССАСАЛАРДА САҚЛАНУВЧИ ШАХСЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ, РҮЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ВА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ

Махсус муассасаларнинг (ички ишлар органларининг) навбатчилик қисмларида сақланувчи шахсларни ҳисобга олиш, рўйхатдан ўтказиш бўйича қуидаги китоблар юритилади:

махсус муассасаларда сақланувчи шахсларни қайд этиш китоби (*1-илова*);

сақланувчи шахсни хонадан (камера) чиқаришни қайд этиш китоби (*2-илова*);

сақланувчи шахсларга озиқ-овқат тарқатиш китоби (*3-илова*);

махсус муассасаларнинг санитар ҳолатини текшириш ва санитария ишловини ўтказиш натижаларини қайд этиш китоби (*4-илова*);

навбатчиликни топшириш ва қабул қилиш китоби (*5-илова*);

хизмат олди йўриқномаларини қайд этиш китоби (*6-илова*);

текширувларни қайд этиш китоби (*7-илова*);

сақланувчи шахсларнинг соғлиғи бўйича шикоятлари ва уларга кўрсатилган тиббий ёрдам натижаларини қайд этиш китоби (Тиббиёт ходими штат бирлиги мавжуд бўлган маҳсус муассасаларда мазкур китоб тиббиёт ходими томонидан юритилади) (*8-илова*).

Ушбу китоблар рақамланган, муҳрланган, тикилган ва ички ишлар органларининг котибиятида рўйхатдан ўтган бўлиши шарт. Китобларнинг тўғри юритилиши учун маҳсус муассасалар навбатчилари масъул ҳисобланади ва маҳсус муассасалар маъмурияти томонидан мунтазам назорат қилиб турилади.

Махсус муассасаларнинг (ички ишлар органлари) навбатчилик қисмларида сақланувчи шахсларга нисбатан юритиладиган китобларда сақланувчи шахслар хронологик тартибда қайд этилади ва ҳар йилнинг 1 январидан бошланган тартиб сони йил охирига қадар қатъий равишда сақланади.

Махсус муассасаларда юритиладиган китоблардан ташқари навбатчилар томонидан:

сақланувчи шахсларни шахсий кўрикдан ўтказиш баённомаси (*9-илова*);

шахсий кўрик пайтида маҳсус муассасаларда истеъмол қилиниши, сақланиши ва тарқатилиши тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари олиб қўйилганлиги тўғрисида далолатнома (*10-илова*);

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сақланувчи шахсларни хоналар (камералар)да алоҳида-алоҳида жойлаштириш бўйича кунлик режа (*11-илова*) юритилиб, йиғма жилдларга жамлаб борилади.

Махсус муассасалар маъмурияти белгилаган масъул ходимлар томонидан сақланувчи шахсларга нисбатан ҳисобга олиш йиғма жилдлари юритилади. Йиғма жилдларда сақланувчи шахсларни махсус муассасаларга қабул қилиш ва сақлаш учун асос бўладиган ҳамда қонун ҳужжатларига асосан тўпланиши лозим бўлган ҳужжатлар жамлаб борилади.

Муайян яшаши жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация марказларига қабул қилишда йиғма жилдга жамлаш учун навбатчилар томонидан шахсни реабилитация марказига жойлаштириш учун олиб келган ходимдан қўйидаги ҳужжатлар талаб қилиб олинади:

1)муайян яшаши жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги суднинг қарори;

2)муайян яшаши жойига эга бўлмаган шахсни аниқлаган мансабдор шахснинг шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида судга илтимоснома киритиш тўғрисидаги, тегишли туман (шахар) ички ишлар органи раҳбари томонидан тасдиқланган қарори (*12-илова*);

3)яшаши манзиллари ҳақида маълумотлар берувчи (манзиллар бўйича бюро) органнинг маълумотномаси, шунингдек муайян яшаши жойига эга бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасидаги маълум бўлган охирги яшаши жойини текшириш натижалари тўғрисидаги маълумот;

4)муайян яшаши жойига эга бўлмаган шахснинг тушунтириши ёки бундай шахс томонидан тушунтириш бериш рад этилганлиги тўғрисида тегишли тарзда тузилган далолатнома;

5)муайян яшаши жойига эга бўлмаган шахсни тиббий кўрикдан ўтказиш натижалари тўғрисида тиббий маълумотнома;

6)муайян яшаши жойига эга бўлмаган шахснинг ҳуқуқлари, шу жумладан адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш ва ўз яқинларига телефон орқали қўнғироқ қилиш ҳуқуқи тушунтирилганлиги ҳақидаги баённома (*13-илова*).

Реабилитация маркази навбатчиси томонидан қабул қилиб олинган ҳужжатлар ушибу марказ бошлиги белгилаган масъул ходим томонидан юритилиб, қуийдаги ҳужжатлар билан жамлаб борилади:

1) муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахс билан ўтказилган сухбат натижалари ҳақида баённома (*14-илюва*);

2) ички ишлар органларининг ахборот марказлари, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш ҳамда эксперт-криминалистика хизматларининг мавжуд электрон ахборот базалари орқали текширилганлиги тўғрисида маълумотлар;

3) туман (шаҳар) ички ишлар органларига юборилган сўров хатларининг нусхалари ҳамда улардан келган жавоб хатлари;

4) реабилитация марказида сақланган шахсларни доимий яшаш жойларига жўнатиш тўғрисида қарор (*15-илюва*);

5) муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга реабилитация марказларида сақланганлиги тўғрисида берилган маълумотноманинг нусхаси (*16-илюва*).

Шунингдек, йиғма жилдда муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсга алоқадор бошқа ҳужжатлар ҳам жамланиши мумкин.

Махсус муассасалар маъмурияти томонидан муассасада амалга оширилган тадбирлар ва уларнинг натижалари бўйича ИИВ ППХважтсб томонидан белгиланган шаклдаги ҳисоботлар ҳар ойнинг якуни бўйича кейинги ойнинг биринчи санасигача ИИВ-ИИБ-ИИБ ППХважтсбга тақдим этилади. Маълумотлар ППХважтсб томонидан умумлаштирилиб, кейинги ойнинг учинчи санасидан кечиктирмасдан ИИВ ППХважтсбга юборилади.

Махсус муассасаларда тезкор йўналишлар бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ИИВ-ИИБ-ИИБнинг жиноят қидирув бошқармасига (бўлими) ҳисобот берилади.

Махсус муассасаларда юритилган китоблар ҳамда йиғма жилдлар йил якуни бўйича умумлаштирилиб, махсус муассасаларнинг архивига жойлаштирилади.

5-§. МАХСУС МУАССАСАЛАРДА НАЗОРАТ ВА ТЕКШИРУВНИНГ ТЕХНИК ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

Махсус муассасаларда жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг, ички тартиб-қоидалари бузилишларининг олдини олиш ҳамда сақланувчи шахсларнинг хулқ-атвори тўғрисида зарур ахборот олиш учун назорат ва текширувнинг аудиовизуал, электрон ва бошқа техник воситалардан (*17-илова*) фойдаланилади.

Махсус муассасалар биноларининг ички ва ташқи ҳудуди (периметр) бўйлаб, йўлаклар, сайр қилиш жойлари, тиббиёт, тергов, учрашув ва тинтуб ўтказиладиган хоналарда ҳамда қочишга имкон берадиган ожиз жойларда замонавий видеокузатув мосламалари (зарурат бўлганида товушни эшлиши имконияти мавжуд видеокамералар) ўрнатилади.

Шунингдек, сақланувчи шахслар томонидан қочиш, ўз жонига ёки бошқаларнинг ҳаётига суиқасд, нарядларга ҳужум қилиш ва бошқа фавқулодда ҳолат содир этилишининг олдини олиш мақсадида махсус муассасаларнинг айрим камераларига ҳам видеокузатув мосламалари ўрнатилиши мумкин. Камераларни кузатиш учун ўрнатилган видеокузатув мосламалари сақланувчи шахслар томонидан зарар етказиш имконияти мавжуд бўлмаган жойларга, камера ичida жойлашган ҳожатхона тасвири тушмайдиган қилиб ўрнатилади.

Махсус муассасаларнинг ички ва ташқи постларида, тергов ва учраштирув хоналарида тревога сигналини бериш учун тревога тугмалари ўрнатилади. Режим бўлинмаси йўлакларида бундай мосламалар ўртасидаги масофа 10 метрдан ортиқ бўлмаслиги лозим. Тревога сигналини қабул қилиш учун навбатчилик қисмида сигнал қабул қиласидиган қурилма, ички ва ташқи постлар ҳамда хизматлар билан тезкор телефон алоқаси бўлиши учун эса коммутатор (кичик ҳажмдаги станция) ўрнатилади.

Махсус муассасалар (ички ишлар органлари)нинг навбатчилик қисмлари билан бевосита телефон алоқасини таъминловчи аппаратлар барча ички ва ташқи постларда, шунингдек махсус муассасаларнинг тиббиёт ва тергов хоналарида ҳамда махсус муассасалар (ички ишлар органи) бошлигининг хохишига кўра бошқа жойларда ўрнатилади.

Ички ва ташқи пост ходимларини навбатчи билан боғлаш учун маҳсус муассасалар деворларининг бутун периметри бўйича телефон розеткалари ўрнатилади.

Махсус муассасаларда сақланувчи шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида ташкил этиладиган телефон орқали сўзлашув хонасида шаҳар телефон тармоғига уланган бир нечта телефон аппаратлари жойлаштирилади.

Ички тезкор телефон алоқаси коммутатори (станция ёки пульт) шаҳар телефон тармоғига уланмаслиги керак.

Махсус муассасалар (ички ишлар органлари)нинг навбатчилик қисмларига назорат ва текширувнинг техник воситаларини кузатиб бориш мақсадида, барча техник воситаларнинг бошқарув пультлари ўрнатилади. Булар ички телефон тизимига уланган тизимли телефон аппарати, тревога тугмаларини бошқариш пульти, видео ва аудио кузатув тизими учун монитор ва эшлишиш ускуналаридан иборат бўлади. Ушбу техник воситалар маҳсус муассасалар навбатчилари ўтирадиган жойга яқин ва кузатишга қулай жойга ўрнатилиши шарт.

Техник воситаларни бошқариш пульти кеча-кундуз маҳсус муассасалар навбатчиси томонидан назорат қилиб турилади. Шу сабабли маҳсус муассасалар навбатчилари қўриқлаш-ташвиш, қочишига қарши ва бошқа турдаги сигнализация аппаратлари, шунингдек алоқа асбоблари билан ишлаш бўйича кўникмаларга эга бўлишлари лозим.

Махсус муассасалар маъмурияти назорат ва текширувнинг техник воситалари қўлланилаётганлиги ҳақида сақланувчи шахсларни хабардор этиши шарт.

6-§. КОНВОЙ БЎЛИНМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Конвой бўлинмалари таркибига Тошкент шаҳар ИИБнинг Алоҳида конвой батальони, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, вилоятлар ИИБлари ҳамда туман (шаҳар) ИИБлари тасарруфидаги конвой бўлинма (гурух)лари киради.

Конвой бўлинмаларига сардор (батальон, бўлинма, гуруҳ командири ёки ВСҲ бошлиғи) раҳбарлик қиласи ва у тегишинча ИИВ-ИИБ-ИИБ ППХважтсб бошлиқларига, туман (шаҳар) ИИБлари кесимида туман (шаҳар) ИИБ ЖТСБ бошлиқлари (катта инспекторлари)га бўйсунади.

Конвой бўлинмалари ўз фаолиятини суд ва тергов органларининг талабномалари асосида амалга оширади.

Суд ва тергов органларининг сақланувчи шахсларни суд мажлислари ва тергов ҳаракатлари ўтказиш учун конвой қилиш тўғрисидаги талабномалари конвой бўлинмаси сардори ёки конвой бўлинмалари фаолият олиб борадиган ички ишлар органи бошлиқлари номига тергов ҳаракатлари ва суд жараёни бошланишидан камида 24 соат олдин юборилиши лозим.

Суд ва тергов органлари томонидан имзоланган ва гербли муҳри билан тасдиқланган талабномаларда қуйидагилар кўрсатилади:

Конвой қилинувчиларнинг фамилияси, исми, шарифи, туғилган йили ва ЖКнинг қайси моддаси билан айбланаётганлиги;

1) ВСҲ, тергов хибсонаси ёки жазони ижро этиш муассасасининг номи;

2) тергов ҳаракатларини ўтказиш ва суд мажлисининг кўриб чиқиши жойи;

3) конвой қилинувчиларни тергов ҳаракатлари ҳамда суд мажлисларига олиб келиш (санаси, соати), шунингдек тергов ҳаракатлари ҳамда суд мажлисларининг давом этиш муддати (тажминий);

4) конвой қилинувчиларни қўриқлаб боришда сақлаш тартиби (бир-биридан зарурый ажратиб туриш тартиблари баён этилади).

Агар суд мажлисига бир вақтнинг ўзида олдиндан чиқарилган суд қарори асосида қамоқقا олинганлар ёки бошқа жиной иш бўйича судланаётган шахслар гувоҳ сифатида чақиртирилаётган бўлса, уларнинг ҳозирги ҳолати талабномада кўрсатиб ўтилади.

Суд ва тергов органлари хизмат кўрсатувчи конвой бўлинмаси билан битта аҳоли яшаш пунктида жойлашмаган тақдирда, шунингдек улар орасида конвой бўлинмасининг режали йўналиши бўлмаган

ҳолларда, суд ва тергов органларининг талабномалари ҳудудий ички ишлар органи бошлиғи номига юборилади. Бундай ҳолларда ушлаб турилган ва қамоққа олинганларни суд ва тергов жараёнларига олиб боришга кетадиган вақт ҳисобга олинади. Ички ишлар органининг бошлиғи номига ёзилган талабнома ушлаб турилган ва қамоққа олинганларни конвой қилиш учун ходимлар ажратилишига асос бўлади.

Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни конвой қилиши учун талабномалардан ташқари қуийидагилар ҳам асос бўлади:

1) тегишли суднинг кўчириш (этап қилиш) тўғрисидаги ажрими;

2) алоҳида тергов ҳаракатларини (стационар суд-психиатрия кўригидан ўтказиш) амалга ошириш учун суриштирув ишларини олиб борувчи томонидан қабул қилинган қарор;

3) суд томонидан чиқарилган ажримга асосан ВСҲда сақлаш ёки қамоққа олиш йўли билан эҳтиёт чораси ўзгартирилганлиги тўғрисидаги ажрим муддатининг тугаганлиги, шунингдек, қамоқ жазоси белгиланганлиги тўғрисида суд ажрими қабул қилиниши (тергов хибсхоналарига қўриқлаб борилади);

4) ВСҲ бошлиғининг кўрсатмаси билан тиббиёт муассасаларга ёки бошқа жойларга юборишда конвой қилиш.

Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни суд ва тергов органларининг талабномалари асосида конвой қилиши юзасидан қарорлар белгиланган вазифанинг ҳажми ва масъулияти, шунингдек тезкор вазиятдан келиб чиқиб қуийидагиларни инобатга олган ҳолда қабул қилинади:

– конвой қилинувчиларнинг сони ва уларнинг шахси, улар орасида бир неча маротаба ўта оғир жиноятларни содир қилган ёки қилганликда гумон қилинган (жумладан, нарядлардан қочган ёки қочишга уринганлар), вояга етмаган ва ҳоказо шахсларнинг борлиги;

– маҳсус автотранспортларнинг техник кўрсаткичлари (сифими, камералар сони, қочиш ҳолатларининг олдини олишга мослаштирилганлиги, маҳсус алоқа ва ташвишгоҳ воситалари ҳамда бошқа ускуналар билан жиҳозланганлиги), маҳсус муассасаларда сақланиш муддатлари, қўриқлаш учун яратилган шарт-шароитлар, йўналишнинг масофаси ва хусусиятлари;

– шахсий таркиб сони ва уларнинг жанговар шайлик даражаси;

– белгиланган ҳудудда жамоат тартибини сақланиши ва жиноятлар содир этилиш ҳолати, йил фасллари, кун ва об-ҳаво шароитлари.

Вазиятни ўрганиш, баҳолашда ушлаб турилганлар ва қамоқقا олинганларни кўриқлаб бориш ҳолатининг аҳволи, суд ва тергов органлари, шунингдек ички ишлар органларининг тезкор хизматлари маълумотларидан, давлат корхоналари, жамоатчилик ташкилотларидан олинган хабарлардан, фуқаролардан олинган аризалардан фойдаланилади. Мавжуд маълумотлар асосида конвой бўлинмаси сардори томонидан конвой таркибини белгилаш бўйича қарор қабул қилинади.

Конвой таркиби оддий ёки кучайтирилган бўлиши мумкин.

Оддий тартибдаги конвой таркиби қуийдагича тайинланади:

1-2 нафар конвой қилинувчига 3 нафар ходим;

3-4 нафар конвой қилинувчига 5 нафар ходим;

5-6 нафар конвой қилинувчига 7 нафар ходим;

7-8 нафар конвой қилинувчига 9 нафар ходим;

9-10 нафар конвой қилинувчига 11 нафар ходим ажратилиб, навбатдаги ҳар 5 нафар конвой қилинувчига 1 нафардан қўшимча конвой ходимлари ажратилади. Шунингдек, конвой бўлинмаси таркибида беш ва ундан ортиқ нафар конвой ходимлари бўлганда, конвой бўлинмаси сардорининг ёрдамчиси тайинланади.

Кучайтирилган тартибдаги конвой таркиби қуийдагича тайинланади:

1 нафар конвой қилинувчига 2 нафар ходим;

2-4 нафар конвой қилинувчига 4-6 нафар ходим;

5-6 нафар конвой қилинувчига 7-8 нафар ходим;

7-8 нафар конвой қилинувчига 9-10 нафар ходим;

9-10 нафар конвой қилинувчига 11-12 нафар конвой ходимлари бириктирилади ва навбатдаги ҳар бир нафар конвой қилинувчига 2 нафардан қўшимча конвой ходими ажратилади.

Кучайтирилган тартибда конвой тадбирлари конвой қилинувчилар орасида қочиш нияти борлигини очик-ойдин намойиш этаётган, манбалардан тегишли тартибда олинган ахборотларга асосланган ҳолда ўз жонига ва атрофдагилар жонига қасд қилиш, конвой ходимига ҳужум қилиш эҳтимоли бўлган, қасдан ўта оғир турдаги жиноятларни содир этганликда айбланган, табиий, географик ва об-ҳаво шароити ўта оғир бўлган ҳудуд орқали узоқ масофали конвой тадбири амалга оширилиши кутилаётганда белгиланади. Кучайтирилган тартибдаги конвой тадбирлари амалга оширилаётган вақтда конвой сардори этиб офицерлар таркибидан ходим тайинланади.

Конвой бўлинмаси сардори қабул қилинган қарорни хизматга жалб этилган ходимларга эълон қилади. Куч ва техник воситалар тақсимоти йўналишлар жойлашувига қараб амалга оширилади.

Конвой бўлинмаси сардори конвой таркибини тайинлаш давомида ходимларга аниқ вазифасини белгилаб бериши, уларга юклатилган вазифанинг ижро этиш муддатлари, ҳаракатланиш йўналишида мавжуд бўлган бошқа ички ишлар органи билан ҳамкорлик ўрнатиш тартиблари билан таниширади.

Конвой бўлинмаси сардори табель қуроли билан қуролланади ва у конвой ходимларининг хизмат олиб бориши шароити ҳамда моҳијатига қараб қайси турдаги хизмат қуроли билан қуроллантирилишини белгилайди, конвой тадбирлари амалга оширилишидан олдин конвой қилинувчиларнинг шахсий кўрикдан ўтказилишини назорат қилади.

Конвой бўлинмасининг (ички ишлар органининг) тезкор навбатчиси:

конвой ходимларининг хизмат фаолияти устидан раҳбарлик қиласи, улар томонидан конвой тадбирлари жараёнида олдига қўйилган вазифаларни тўлиқ бажарилишини назорат қилади;

конвой тадбирларига раҳбарлик қилувчи масъул ходим билан доимий равишда алоқа ўрнатиб туради;

конвой бўлинмаси сардори томонидан конвой тадбирларининг ташкиллаштирилиши ва қўйилган талаблар асосида хизмат олиб борилишини, конвой тадбирлари амалга оширилаётган йўналишлар ва конвой қилинувчилар вақтинча сақланаётган жойлардаги тезкор вазиятни муентазам равишда билиб туради;

фавқулодда ҳолатларда конвой таркибини кучайтиришнинг барча чора-тадбирларини белгилайди ва ўз навбатида тезкор вазият тўғрисида конвой бўлинмаси сардори (ички ишлар органи бошлиғи)га ахборот бериб боради.

Конвой тадбирларини амалга оширишда конвой ходимлари режали йўналишлар бўйича маҳсус автотранспорт воситасининг тезлигини 50 км/соатдан оширмаган ҳолда ҳаракатланади.

Бир гуруҳ шахслардан иборат конвой қилинувчиларни судга ёки тергов ҳаракатларига олиб борилиши факат йўл-патруль хизмати ходимларининг кузатуви остида кучайтирилган конвой таркиби билан куннинг ёруғ пайтларида амалга оширилади. Конвой тадбирларининг қоронғу тушган вақтда амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

Конвой тадбирлари ИИВ-ИИББ-ИИБ ППХваЖТСБнинг масъул ходимлари томонидан пухта, аниқ ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (асосий ва захира) йўналишлар бўйича амалга оширилади.

Махсус автотранспорт воситасида конвой қилинувчилар сонидан келиб чиқиб, Йўриқноманинг 66-банди талаблари асосида хизматга жалб этилган конвой ходимлари махсус автотранспорт воситасига сиғмаган ҳолларда, улар белгиланган манзилга махсус автотранспорт воситасини кузатиб борувчи автотранспорт воситасида боришлари лозим ҳамда конвой қилинувчиларни махсус автотранспорт воситасига жойлаштириш ва ундан тушириш вақтида иштирок этишлари шарт.

Конвой қилинувчилар махсус автотранспорт воситасига ўтқазиб бўлингандан сўнг конвой бўлинмаси сардори уларнинг алоҳида алоҳида сақланиш талабларига риоя этган ҳолда жойлаштирилганлигини текширади, конвой бўлинмаси ходимларини жойлашиб олишлари юзасидан кўрсатма бериб, ўзи махсус автотранспорт воситасининг кабинасида ўтиради ва автотранспорт камералари эшикларининг калитини ўзида сақлайди. Махсус автотранспорт воситаси камераларининг ёритиш чироқлари, камераларда шахслар бўлган вақт давомида доимий ёқилган бўлиши керак ва кузовида икки нафар конвой бўлинмаси ходими бўлганда улардан бири гурух сардори этиб тайинланади.

Махсус автотранспорт воситасининг камералари олдида хизмат олиб борадиган конвой бўлинмаси ходимлари доимий равища камералардаги шахсларнинг хулқ-атвори, ўзларини тутиш ҳолатлари устидан назорат қилиб боради, уларни кузатиш панжарасини қайирмаслик, шовқин қиласлик, чекмаслик, кузов анжомларини синдиримаслик (бузмаслик) юзасидан огоҳлантириб туради, шунингдек бошқа камералардаги шахслар билан имо-ишора ва панжарани тақиллатиш йўли билан гаплашишига йўл қўймаслик учун тегишли чора-тадбирларни кўради.

Конвой қилинувчилар томонидан ушбу тартиб-қоидалар бузиладиган бўлса, зудлик билан конвой бўлинмаси сардорига кабина ва кузов орасида ўрнатилган алоқа воситаси орқали хабар бериб, махсус автотранспорт воситасини тўхтатади ва у билан бирга тартиб-бузарликнинг олдини олиш чораларини кўради, камералар эшигини очиш учун фақат конвой бўлинмаси сардори рухсат беради.

Об-ҳаво ўзгариши билан ҳаракатланиш қийинлашган тақдирда конвой бўлинмаси сардори конвой қилинувчиларни об-ҳаво яхши

бўлгунга қадар яқин орадаги ВСҲга топширади ва бу ҳақда конвой тадбирларини амалга ошириш учун кўрсатма берган ички ишлар органи бошлиғига маълум қиласди.

Конвой қилинувчиларни белгиланган охирги манзилда тушириш учун конвой бўлинмаси сардори маҳсус автотранспорт воситаси ҳайдовчисига автотранспортни бегона шахсларнинг келиши кутилмайдиган, олдиндан белгиланган жойда тўхтатиш тўғрисида кўрсатма беради. Имконият бўлса йиғиладиган темир тўсиқлардан йўлак ҳосил қилинади.

Судга хизмат кўрсатувчи конвой бўлинмаси ходимлари конвой қилинувчиларни тергов ҳибсхоналаридан ёки ВСҲдан суд жараёни бошланишидан камида 30 дақиқа олдин суд биносига олиб келади.

Суд жараёни ўтказиладиган манзилга етиб боргандан сўнг конвой бўлинмаси сардори судьяга конвой қилинувчиларни суд биносига келтирилганлиги тўғрисида ахборот беради ва суд мажлиси тугагунга қадар судья томонидан конвой қилинувчиларни суд биносида вақтинча ушлаб туриш ва зарурат туғилганда уларни бошқа жойда ўтказилаётган суд жараёнларига, жиноят содир этилган жойларга ва бошқа ҳолатлар бўйича конвой қилиш юзасидан берилган кўрсатма ва топшириқларини бажаради.

Конвой бўлинмаси сардори конвой қилинувчиларни маҳсус автотранспорт воситасидан туширишдан олдин суд биносидаги вақтинча ушлаб туриш жойларини кўздан кечириб чиқади ҳамда фавқулодда ҳолатларни юзага келтирувчи нарса ва ашёлар йўқлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг конвой қилинувчиларни маҳсус автотранспорт воситасидан тушириш ва вақтинча ушлаб туриш хоналарига жойлаштириш чораларини кўради.

Суд мажлисига тайёргарлик кўриш ҳамда муҳокама вақтларида конвой қилинувчилар суд биносидаги судланувчиларни вақтинча ушлаб туриш жойларида ушлаб турилади ва конвой ходимлари томонидан қўриқланади.

Суд мажлиси куннинг биринчи ярмига белгиланиб, куннинг иккинчи ярмида ҳам давом эттирилиши белгиланган ҳолларда судланувчилар учун тушлик уларнинг охирги сақланган жойидан (ВСҲ ёки тергов ҳибсхонасидан) олиб келиниши конвой бўлинмаси сардори томонидан ташкиллаштирилади.

Суд биносида конвой қилинувчиларнинг адвокат билан ёлғиз қолишига, соғлигини текшириш мақсадида келган шифокор билан

мулоқот қилишига йўл қўйилади. Ушбу давр мобайнида конвой қилинувчиларни қўриқлаш бекор қилинмайди.

Конвой қилинувчиларга ҳукм ўқилгунига қадар суд биносида яқин қариндошлари ва бошқа шахслар билан учрашувга ҳамда йўқловлар олишига йўл қўйилмайди. Ҳукм эълон қилинганидан кейин конвой қилинувчиларга уларнинг яқин қариндошлари ёки ҳимоячиси илтимосига кўра суд раисининг рухсати билан учрашиш имконияти берилади.

Агар судда ҳибсга олинмаган шахсларнинг иши қўрилаётган бўлса, судьянинг талабига кўра шахсни ҳибсга олиш учун судга хизмат кўрсатаётган ички ишлар органларининг конвой бўлинмаси ходимлари юборилади.

Суд қарори эълон қилинганидан сўнг, судьянинг қарорига кўра, конвой бўлинмаси сардори янги шахсни суд мажлисининг ўзида ҳибсга олиш тадбирларини амалга оширади.

Суд мажлиси яқунлангандан сўнг конвой бўлинмаси сардори судьядан конвой қилинувчиларга нисбатан чиқарилган қарор нусхасини олиб, шу қарор асосида конвой қилинувчиларни яқин ҳудудда жойлашган ВСҲ ёки тергов ҳибсхонасига топширади.

Айрим ҳолларда судланганлар, жумладан суд мажлисида қамоққа олинганлар тергов ҳибсхонасига олиб бориш учун йўл олислиги туфайли ёки уларга нисбатан чиқарилган суд қарорининг нусхасини расмийлаштириш учун конвой ходимлари судда ушланиб қолиниши мумкин бўлган ҳолларда ҳибсга олинганлар яқин ҳудудда жойлашган ВСҲларга топширилади ва ВСҲдан тергов ҳибсхоналарига суд мажлисига раислик қилувчи томонидан муҳр билан тасдиқланган қарорнинг кўчирмаси олинганидан сўнг юборилади.

Суд жараёнини давом эттириш зарурати туғилганда, судья ушбу ҳолатни конвой бўлинмасига берган талабномада белгилаб қўяди.

Конвой қилинувчиларни ВСҲ ёки тергов ҳибсхонасига топшириш вақтида ушбу муассаса навбатчиси конвой бўлинмасининг талабномасига конвой қилинувчини қабул қилиб олганлиги тўғрисида ёзib қўяди ва ёзувни муҳр билан тасдиқлайди.

Бир туман (шахар)да сақланаётган ушлаб турилган ва қамоққа олинган шахсларни бошқа ерга кўчириш бўйича конвой тадбирларини амалга ошириш тўғрисидаги қарор икки нусхада тайёрланади. Қарорнинг бир нусхаси конвой бўлинмасига ушлаб турилган ва қамоққа олинган шахсларни беришга асос бўлса, иккинчи нусха ушбу шахсларнинг шахсий йиғма жилдига тикилади ва белгиланган жойга топшириш учун асос бўлади.

Суд томонидан шахсни оқлаб ёки қамоқда сақлаш эҳтиёт чорасини ўзгартирган ҳолда чиқарилган қарорга асосан, конвой қилинувчилар зудлик билан суд залининг ўзида ҳибсдан озод этилади ва ушбу ҳолат талабномада ёзма равишда қайд этилади.

Суд мажлислари сайёр тартибда ўтказилиши режалаштирилган ҳолларда жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича туман (шаҳар) ИИБ бошлиқларининг ўринbosарлари бошчилигида хизматга жалб этиладиган ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ва жамоатчилик вакилларидан ва 15 нафардан кам бўлмаган ходимлардан иборат куч ва воситаларнинг намунавий тақсимоти ишлаб чиқилади ва мазкур тақсимот асосида сайёр суд жараёнларига ички ишлар органларининг ходимлари ва жамоатчилик вакиллари жалб этилади.

Суд томонидан қамоқقا олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахслар билан ўтказиладиган сайёр суд мажлисларида жамоат тартибини сақлашга жалб этилган ходимлардан ташқари, конвой сардори этиб ўрта бошлиқлар таркибидан масъул тайинланади ва кучайтирилган тартибда конвой ходимлари жалб этилади.

Сайёр суд мажлисларида ишни кўриб чиқиши даврида конвой қилинувчиларни жойлаштириш учун хоналар ва жойлар ажратиш масаласи туман (шаҳар) ички ишлар органи бошлиғи томонидан ҳал этилади.

Оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларни содир этган ёки суд томонидан қамоқقا олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларга нисбатан сайёр суд мажлислари ўтказилиши бўйича судларнинг талабномаларига асосан, ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари ходимлари томонидан сайёр суд мажлиси ўтказилишидан бир кун олдин иш кўриладиган жойларнинг ўрганиб чиқилиши ҳамда тақсимот асосида етарлича куч ва воситаларнинг жалб этилиши шахсан туман (шаҳар) ИИБ бошлиқлари зиммасига юклатилади.

Суд томонидан берилган талабномаларга асосан, сайёр суд мажлислари ёпиқ биноларда ўтказилиши белгиланган тақдирда, бир кун олдин ички ишлар органларининг соҳавий хизмат ходимларидан иборат гуруҳ томонидан обьектнинг техник мустаҳкамлиги комиссиян тартибда ўрганиб чиқилади ва ўрганиши жараёнида қўйида-гиларга асосий эътибор қаратилади:

1) обьектга олиб борувчи йўлларда маҳсус автотранспорт воситаларнинг эркин харакатланишини чекловчи мосламалар мавжуд эмаслигига;

2) объект атрофида транспорт воситалари қатновининг қай даражада эканлигига, зарурат бўлганда транспорт воситаларининг қатновини тартибга солиш ёки тўхтатиб қўйиш имконияти мавжудлигига;

3) объектда сайёр суд мажлисини ўтказиш, қарор қабул қилиш ҳамда гувоҳлар учун кутиш хоналарининг мавжудлигига;

4) сайёр суд мажлиси ўтказиладиган хона деразаларининг темир панжара билан жиҳозланганлигига;

5) объектнинг ёнгин хавфсизлиги талабларига жавоб беришига;

6) сайёр суд мажлиси ўтказиладиган хонадан судланувчиларни олиб чиқиб кетишга мўлжалланган алоҳида чиқиш жойи мавжудлигига.

Сайёр суд мажлислари очик жойда ўтказилиши белгиланиб, оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларни содир этган ёки суд томонидан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси кўлланилган шахсларга нисбатан иш кўрилиши назарда тутилган ҳолларда, ушбу тоифадаги шахсларни вақтинча ушлаб туриш учун кўчма темир қафаслардан фойдаланилади.

Конвой бўлинмаси ходимлари томонидан маҳсус муассасаларда сақланувчи шахслар соғлиқни сақлаш органлари тасарруфидаги муассасаларга соғлиги тўғрисида амбулатор маълумотга эга бўлиш, стационар, клиник ва суд-тибиёт текширувлардан ўтказиш ҳамда улар билан маҳсус даволаш тадбирларини амалга ошириш мақсадида конвой қилинади.

Маҳсус муассасаларда сақланувчи шахсларни тиббий-амбулатор кўрикдан ўтказиш учун конвой қилиш тибиёт муассасаси маъмуряти билан бошқа фуқаролар қабул қилинмайдиган ёки қабул вақтида фуқаролар кўп бўлмайдиган вақтлари ва кунлари, шунингдек хоналари белгиланиб, келишиб олингандан сўнг амалга оширилади. Бундай шарт-шароитни яратиш имконияти бўлмаган ҳолларда конвой қилинувчиларни бошқа фуқаролардан алоҳида ажратиб туриш чора-тадбирлари кўриб чиқилади.

Тибиёт муассасаларида текширувдан ўтказиш ёки даволаш учун ётқизилган шахсларни қўриқлаш тадбирлари тергов ҳаракатлари олиб борилаётган жойда жойлашган ички ишлар органлари конвой бўлинмалари ходимлари томонидан амалга оширилади. Жиноий иш республика, вилоят судлари томонидан кўриб чиқилаётган бўлса, сақланувчи шахсларни қўриқлаш ишлари ИИВ-ИИББ-ИИБнинг конвой бўлинмалари ходимлари томонидан амалга оширилади.

Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинган шахслар тиббиёт муассасаларининг алоҳида хонасига (махсус палатага) жойлаштирилиб, уларни қўриқлаш учун жуфтлик наряд хизматга қўйилади ва кечаю-кундуз хизмат олиб борилади. Пост ходимлари табель қуроли билан қуроллантирилиб, улардан бири сардор этиб тайинланади.

Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинган аёл бўлса, бундай шахсларни қўриқлаш ушбу жинсга мансуб ходимлар томонидан амалга оширилади. Тиббиёт ходимларига тиббиёт муассасаларида ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни ушлаб туриш режими ва тартиблари тўғрисида маълумот берилади. Улар даволанишга ётқизилган ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни қанча муддатга ётқизилганлиги ва қачон жавоб берилиши ҳамда соғлиғи тўғрисидаги маълумотлар сир тутилиши ҳақида огоҳлантирилади.

Ички ишлар органи бошлиғи тиббиёт муассасаси маъмурияти ва наряд ходимлари билан доимий алоқа ўрнатиши, даволанаётган шахсни қўриқланишини кучайтириш зарурати туғилганда қўшимча куч ва воситаларни ажратиши ҳамда нарядлар томонидан хизмат олиб бориш тартибини текшириб бориш масалаларини назорат остига олиши шарт.

Даволанишга ётқизилган ушлаб турилган ва қамоққа олинган шахс хонанинг ўзида овқатланади. Уни хонадан фақат тиббий муолажалар қабул қилиш ва ҳожат чиқариш учун олиб чиқилади. Бундай пайтларда у барча наряд ходимлари томонидан қўриқланади. Қўриқланаётган шахс муолажа қабул қилаётган ёки ҳожат вақтида наряд ходимларидан бири дераза олдида, иккинчиси эшик олдида туради.

Даволанаётган шахслар ушлаб турилганлар ва қамоққа олинган шахсларнинг ҳуқуқларидан (учрашув, оила аъзолари билан ёзишув, озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечаклар қабул қилиш ва ҳоказо) белгиланган тартибда фойдаланишлари мумкин.

Даволаниш учун тиббиёт муассасасига ётқизилган ушлаб турилган ва қамоққа олинган шахслар томонидан қочишига уриниш ёки ходимларга ҳужум уюштириш ҳолатлари юзага келганда уларга нисбатан қўл кишани, тинчлантириш қўйлаги кийдириш ёки боғлаш чоралари даволовчи ҳамда навбатчи шифокор билан келишилган ҳолда қўлланилади.

Даволанадиган шахсларни даволаш ишлари узоқ муддатга (10 кундан кўп муддатга) чўзилиши кутилган ҳолларда улар даволаш ишларини давом эттириш учун тергов хибсоналарига қарашли ёпиқ турдаги шифохоналарга қўчирилади.

Тергов органларининг талабномалари асосида ушлаб турилган ва қамоққа олинган шахсларни тергов ҳаракатлари олиб бориш учун воқеа жойларига олиб чиқиши туман (шаҳар) ички ишлар органлари-нинг кучайтирилган конвой таркиби томонидан амалга оширилади.

Тергов ҳаракатлари давомида конвой бўлинмаси сардори конвой ходимларига хизмат ўташ жойларини ва аниқ вазифаларини белгилаб бериши ҳамда барча хавфсизлик чораларини кўриши лозим. Воқеа жойларини кўздан кечириш вақтида конвой қилинувчиларнинг қўлига тақилган қўл кишанининг бир қисми қуролсиз хизматга жалб этилган конвой бўлинмаси ходимларга тақилади.

Конвой қилинувчиларни маҳсус автотранспорт воситаларидан ташқари самолёт (вертолёт), йўловчи поездларининг вагонларида ва пиёда конвой қилишга рухсат этилади. Бундай транспортларда конвой тадбирлари амалга оширилганда конвой бўлинмаси ходимлари ҳамда конвой қилинувчилар учун сарф бўладиган харажатлар Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари хисобидан қопланади.

Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарида ушланган маҳбусни республикамизга олиб келиш бўйича амалга ошириладиган конвой тадбирларига ИИВ-ИИББ-ИИБнинг Жиноят қидирув бошқармалари раҳбарлик қиласи. Бундай конвой тадбирларига Жиноят қидирув бошқармаси ходими конвой сардори этиб тайинланади.

Суд ва тергов органларининг талабномаларига асосан конвой қилинувчиларни самолётларда ҳамда йўловчи поездлари вагонларида конвой қилиш ИИВ-ИИББ-ИИБ бошлиқларининг рухсати билан фақат конвой бўлинмасининг тажрибали ходимларини жалб этган ҳолда амалга оширилади. Ушлаб турилганлар ва қамоққа олингандарни шаҳар атрофига қатнайдиган поездларда конвой қилиш қатъиян ман этилади.

Ушлаб турилганлар ва қамоққа олингандарни қуийдаги ҳолларда пиёда конвой қилишга рухсат этилиши мумкин:

– темир йўл бекатларида ва аэропортларда маҳсус автотранспорт воситаларидан вагонлар, самолётларга (вертолётларга) ва аксинча, қачонки уларга транспорт воситаси билан яқин боришнинг имконияти бўлмаса;

– маҳсус автотранспорт воситалардан суд биноларига ва сайёр ўтказиладиган суд жараёнлари учун маҳсус ажратилган вақтинча ушлаб туриш жойларига, кучайтирилган тартибдаги тергов ҳибс-хоналарига, тергов ҳаракатларини олиб бориш учун воқеа содир

этилган жойга олиб чиқилганда, тиббиёт муассасаларига, санитар-назорат кўригидан ўтказиладиган жойларга ва аксинча;

– ВСҲ ёки конвой бўлинмаси ходимида қочиб кетган шахсни яқин орада жойлашган ВСҲга олиб бориш учун транспорт восита-сидан фойдаланишнинг имконияти бўлмаганда.

Ушлаб турилганлар ва қамоқقا олинганларни аҳоли гавжум бўладиган кўчалар бўйлаб, поезд вагонларида фуқароларнинг тушиш ёки чиқиши вақтларида йўловчи платформаларида, йўловчилар кўп бўлган вокзал ва бошқа бинолар ичидан пиёда конвой қилиш тақиқланади.

7-§. ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТЛАР ЮЗ БЕРГАНИДА МАХСУС МУАССАСАЛАР ХОДИМЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИ

Махсус муассасаларда ёнгин, табиий оғат, бахтсиз ҳодиса ва бошқа фавқулодда ҳолатлар рўй берганда ходимларнинг ҳаракатлари қўйидаги тартибда белгиланади:

– ёнғин ўчириш, тез тиббий ёрдам ва бошқа авария-қутқарув хизматлари етиб келгунга қадар худудий ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари билан ҳамкорликда махсус муассасага бегона шахсларнинг киришига йўл қўймаслик ҳамда зарурат туғилганда сақланувчи шахсларни эвакуация қилиш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва бошқа зарур чора-тадбирларни амалга оширади;

– махсус муассасада сақланувчи шахсларни зудлик билан яқин худудда жойлашган махсус муассасаларга олиб бориб жойлаштиради;

– объект худудида содир бўлган фавқулодда ҳолатларни ўз вақтида бартараф этиш мақсадида, махсус муассаса маъмуриятининг рухсати билан ёрдамга етиб келган авария-қутқарув хизматлари ходимларига кўмаклашади.

Махсус муассасаларда сақланувчи шахслар томонидан қочиш ёки ходимларга ҳужум қилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида махсус муассасалар навбатчилари сақланувчи шахсларга оид маълумотларга эга бўлишлари, доимий равишда уларнинг юриш-туришлари, ўзларини тутишлари устидан назорат ўрнатишлари, бунинг учун бундай шахслар билан тергов ва суриштирув ишларини олиб бораётган ходимлар, тезкор хизмат ходимлари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатган ҳолда маълумот алмасиб туришлари керак. Муқаддам қочишга ёки ходимларга ҳужум қилишга уринган шахслар устидан алоҳида назорат ўрнатилиши лозим.

Махсус муассасаларда сақланувчи шахслар пост ходимига қўққисдан ҳужум қилинганда пост ходими ўзини фаол ҳимоя қилиш чораларини кўрган ҳолда товуш, ташвиш хабарини беради ёки телефон алоқа воситаси орқали навбатчига хабар беради. Навбатчи томонидан мавжуд кучлар билан хавфсизлик чораларини кўрган ҳолда ҳужумни бартараф қилиш ва сақланувчи шахсларни камералар (хоналар)га қайта жойлаштириш чоралари кўрилади.

Агар ҳужум хавфли кўринишда бўлса (ҳужум уюштирган шахслар томонидан бошқа камералар эшикларини очиш ва махсус муассасанинг бошқа хоналарига кириб олиш, қуролларни эгаллаб

олиш каби ҳолатлар содир этилса ва ҳоказо), бу тўғрисида пост ходими зудлик билан ўзининг бевосита раҳбарига хабар беради.

Махсус муассасалар маъмурияти (ички ишлар органлари бошлиғи) томонидан қўшимча кучларни жалб этган ҳолда махсус муассасанинг ташқи ва ички қўриқланиши кучайтирилади ва хужумни бартараф этиш чоралари қўрилади.

Махсус муассасаларга қуролли хужум содир этилганида махсус муассасада хизмат олиб бораётган ходим зудлик билан юзага келган ҳолат тўғрисида махсус муассаса маъмурияти, худудий ички ишлар органлари ҳамда ИИВ-ИИБ-ИИБ ППХважтсбнинг навбатчилик қисмларига телефон ёки радиоалоқа воситаси орқали хабар қилади ва қўшимча кучлар етиб келгунга қадар хавфсизлик чораларини қўради.

Конвой қилинаётган шахслар томонидан конвой ходимига хужум уюштирилганда ёки қочиш ҳолатлари содир этилганда конвой бўлинмаси ходимлари томонидан конвой тадбирлари тўхтатилади, имкони борича яқин орадаги ички ишлар органларига хабар берилади. Хужум қилган ёки қочишга уринган шахслар қўлга олиниб, уларга нисбатан қўл кишанлари қўлланилади. Хужум уюштиришда бошчилик қилган ва қочишга уринган шахслар билан конвой тадбирларини давом эттириш имконияти бўлмаган тақдирда, улар яқин орадаги ВСҲларга (тергов ҳибсхоналарига) вақтинча ушлаб туриш учун топширилишлари мумкин.

Конвой бўлинмаси ходимларига четдан хужум қилинганда конвой бўлинмаси сардори ва бир нафар ходим хужумни бартараф қилиш чораларини қўради, қолган ходимлар эса конвой қилинувчиларни қўриқлайди. Хужум қилиш жараёнида қўлга олинганлар яқин орадаги ички ишлар органларига топширилиши керак.

Махсус муассасалар маъмурияти, ички ишлар органи бошлиғи ҳамда уларнинг тезкор хизмат бўйича ўринбосарлари махсус муассасаларда сақланувчи шахслар орасида қочиш, ўз жонига ёки бошқаларнинг ҳаётига суиқасд, нарядларга хужум қилиш ва бошқа фавқулодда ҳолат содир этиш фикрида юрган шахсларни аниқлаш ва улар томонидан содир этилиши мумкин бўлган фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида бу йўналиш бўйича ходимларнинг хизмат фаолиятини ташкиллаштиради ва назоратини олиб боради. Махсус муассасалар маъмурияти, ички ишлар органи бошлиғи ҳамда уларнинг тезкор хизмат бўйича ўринбосарлари махсус муассасаларда

сақланувчи шахслар томонидан содир этилган фавқулодда ҳолатлар учун бевосита жавобгар ҳисобланади.

Содир этилган (содир этилиши мүмкин бўлган, лекин олди олинган) ҳар бир ҳолат бўйича белгиланган тартибда хизмат суриштирувлари ўтказилиб, текширув хulosалари натижаларидан бундай ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган режаларни ишлаб чиқиш ва тезкор йиғилишлар муҳокамасига қўйишда фойдаланилади.

Фавқулодда ҳолатлар содир бўлганда вазиятни назорат остига олиш ва хавфни бартараф этиш учун маҳсус муассасалар маъмуряти, ички ишлар органи бошлиғи томонидан тасдиқланган режа бўлиши ва навбатчидаги сақланиши керак. Бу режада куч ва техник воситалар тақсимоти ҳамда шахсий таркибнинг ҳаракат тартиблари белгилаб қўйилади. Ушбу режага асосан аниқ вазиятларда хизмат олиб бориши тартибларини ўрганиш мақсадида ўқув машғулотлари ўтказилиб турилиши шарт. Фавқулодда ҳолат юз берганда ёки вазият мураккаблашганда хизматга жалб этиладиган ходимлар олдига қўйилган асосий вазифаларини билишлари лозим.

ХУЛОСА

Кўлланмада маҳсус муассасалар (ички ишлар органларининг вақтинча сақлаши ҳибсхоналари, конвой бўлинмалари, маъмурий қамоқча олинган шахсларни сақлаши учун мўлжалланган маҳсус қабулхоналар ҳамда муайян яши жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиши марказлари) фаолиятининг ҳуқуқий асослари, асосий вазифалари, функциялари, ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш, келтирилган, қабул, конвой қилинган шахсларни рўйхатга олиш, сақлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, қабул қилинган шахсларни текшириш ва реабилитация қилиш, шахсларнинг таъминоти, маҳсус муассасаларни бошқариш, ходимларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, маҳсус муассасаларнинг хўжалик фаолияти, маъмурий жавобгарликдан озод этиш, тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш, судларга ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тақдим этиш тартиблари батафсил қўрсатиб ўтилган.

Республикамида демократик тамойилларга асосланган ҳолда инсон ҳуқуқлари олий мақомга эга. **«Халқ манфаатларига хизмат қилиш»** ҳар бир ички ишлар органлари ходимининг хизмат бурчи хисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ички ишлар органлари ходимлари хизмат вазифалариға вижданан ёндашиб, ҳар бир фуқаронинг шахснинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиши, таъминлаши шартдир.

Ўқув-амалий қўлланманинг асосий мақсади тингловчиларда, шунингдек амалиёт ходимларида хизмат мажбуриятларини самарали бажаришлари учун касбий билимларини хотирлаш, янгилаш, чукурлаштириш ҳамда кўникма ва маҳоратларини оширишни таъминлашдан иборат.

Ўйлаймизки, ушбу ўқув-амалий қўлланма маҳсус муассасалар фаолияти йўналишида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳамда бажарилиши шарт бўлган мажбуриятларни англашда муҳим манба бўлиб хизмат қиласи.

ГЛОССАРИЙ

максус муассасалар – ички ишлар органларининг вақтинча сақлаш ҳибсхоналари, конвой бўлинмалари, маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш учун мўлжалланган максус қабулхоналар ҳамда муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари;

максус муассасалар маъмурияти – максус муассасаларни бошқаришни амалга оширувчи раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарлари;

максус муассасалар ходимлари – максус муассасаларда режимни таъминлаш, шунингдек конвой тадбирларини амалга ошириш мажбуриятларини бажараётган ички ишлар органларининг сафдорлар, сержантлар ва офицерлар таркибидаги шахслари;

ушлаб турилган – жиноят содир этганликда гумон қилиниб, ЖПКнинг 221-моддасида назарда тутилган асослар бўйича ушлаб турилган шахс;

қамоққа олинган – ЖПКнинг нормаларига мувофиқ, ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи;

маъмурий қамоққа олинган шахс – ўзига нисбатан маъмурий қамоққа олиш тўғрисида қарор чиқарилган фуқаро;

муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахс – шахсини тасдиқловчи ҳужжати, шунингдек бирон-бир манзилда вақтинча ёки доимий рўйхатда бўлмаган, ғайриижтимоий хулқ-атворли, хукуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, 18 ёшдан ошган шахс;

сақланувчи шахслар – ички ишлар органларининг вақтинча сақлаш ҳибсхоналари, маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш учун мўлжалланган максус қабулхоналар ҳамда муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказларида сақланадётганлар;

конвой – ушлаб турилган ва қамоққа олинган шахсларни белгилангандеги манзилга кузатиб, қўриқлаб бориш;

конвой қилинувчи – қўриқлаб, кузатиб борилаётган ушлаб турилган ва қамоққа олинган шахс.

ФОЙДАЛАНАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Мирзиёев Ш.М.* Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. – 104 б.
2. *Мирзиёев Ш. М.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2018. – 312 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т:Ўзбекистон, 2021.– 76 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2021. – Lex.uz.
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т., 2021. – Lex.uz.
6. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Т., 2021. – Lex.uz.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни.
8. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 29 сентябрдаги «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги ЎРҚ-298-сон қонуни;
9. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 9 январдаги «Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида»ги ЎРҚ-420-сон қонуни;
10. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни (янги таҳрири).
11. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январдаги «Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида»ги кодекси.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сон фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи «Ҳукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши

курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2833-сон қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги «Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2940-сон қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари вақтинча сақлаш ҳибсхоналарининг ички тартиб-қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 171-сон буйруғи.

17. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2018 йил 31 январдаги «Махсус муассасалар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 28-сон буйруғи.

18. Ички ишлар идораларида бошқарувни ташкил этиш: Маърузалар курси / Д.С.Мухамадалиев, Ж.С.Мухторов, Б.А.Сайдов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 259 б.

19. Ички ишлар органларида мурожаатлар ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарларни қабул қилиш, қайд этиш ва ҳал этиш тартиби: Ўқув-амалий қўлланма / Ш.Т.Икрамов, М.З.Зиёдуллаев, И.А.Соттиев. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 70 б.

Электрон таълим ресурслари

<http://mvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ)

<http://akadmvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси)

<http://lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси)

<http://www.tsil.uz> (Тошкент давлат юридик университети)

<http://uzsci.net> (Илмий таълим тармоғи)

<https://ipkmvd.uz/>(Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти)

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	3
1-§. Махсус муассасалар фаолиятининг ташкилий асослари.....	5
2-§. Махсус муассасалар фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш....	7
3-§. Махсус муассасалар ходимларининг хизматини ташкил этиш....	15
4-§. Махсус муассасаларда сақланувчи шахсларни ҳисобга олиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳужжатларини юритиш тартиби.....	20
5-§. Махсус муассасаларда назорат ва текширувнинг техник восита- ларидан фойдаланиш тартиби.....	23
6-§. Конвой бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш.....	25
7-§. Фавқулодда ҳолатлар юз берганида махсус муассасалар ходим- ларининг ҳаракати.....	37
Глоссарий.....	41
Фойдаланадиган адбиётлар.....	42

САМАНДАРОВ Жонибек Хоидбайевич,
РАСУЛЕВ Улугбек Эркинович,
ТҮЙЧИЕВ Ботирали Хабибуллаевич

**МАХСУС МУАССАСАЛАР
ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

Ўқув-амалий қўлланма

Муҳаррир Б.Қ. Эргашев

Босишга рухсат этилди 13.04.2021 й. Нашриёт ҳисоб табоги 2,8.
Буюртма №..... Адади 30 нусха.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти,
100143, Тошкент ш., Буюк ипак йўли кўчаси, 243-уй.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.